

ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ж.Рўзиев

*Самарқанд давлат чет тиллар
институтини тадқиқотчиси
(Тел: +99897 288-54-14)*

Аннотация. Мазкур мақолада инсон тафаккур тарзи тарихий нуқтайи назардан инновацион ривождаги ибтидоий тафаккур тарзидан бошланиб, антик, феодал, классик, ноклассик ва постноклассик босқичлари, инновацион тафаккур эволюциясининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим, таълим фалсафаси, антик, феодал, классик, ноклассик, постноклассик, креатив тафаккур, фан, методологик онг, объект, ақл, инновация.

Инсон тафаккур тарзи тарихий нуқтайи назардан инновацион ривож ибтидоий тафаккур тарзидан бошланиб, антик, феодал, классик, ноклассик ва постноклассик босқичларига бўлиш мумкин. Фалсафада тафаккурнинг инновацион ривожланишини татқиқ этишга нисбатан, унинг эволюцион шаклланиши, борлиқ ва одам пайдо бўлиш муаммоси, борлиқнинг таркибий тузилиши, субстанция (асос ёки моҳият) ва материя (моддий) масалалари, моддийликнинг мавжудлиги, ҳаракат ва унинг тузилиши, турлари, ўзгариш ва ривожланиш, макон тушунчаси ва замон тушунчаси, табиат фалсафаси, иккиламчи табиат, табиатнинг ўзаро алоқадорлик ва ривожланиши қонуниятларининг моҳияти, воқелик ва борлиқнинг категориялагик талқини, оламни билишнинг мазмуни ва моҳияти, дунёни англашнинг метод ва методологик аспекти асосида умумий классик билимлар сифатида ўрганилади. Шунининг учун ҳам фалсафий қарашлар бир даврда бир бирига мос келиши ёки бир бирини инкор этиши ҳам мумкин.

Антик давр фалсафий тафаккурида инновациялар дастлаб гилозоистик қарашларнинг устуворлиги билан бошланиши, Фалес таълимотида ўз аксини топади. Фалес дунёнинг моддий бирлигининг интихоси ва ибтидоси сувдан иборат эканлиги ҳамда моддий бирлик доимо ўзгаришда эканлигини қайд этган. Шу нуқтаи назардан гилозоистик қарашларида у барча нарсаларни тирик деган фикрни илгари суради. Шу сабабдан сувдан пайдо бўлган барча жисмлар ҳаракати ва ўзгариши хусусиятлари сабабини нотўғри талқин этишига олиб келади. Мисол учун: магнитни жонли деб айтиб, жонли бўлганлиги учун ҳам темирни ўзига тортади. Бу даврда илмий тафаккурнинг асосчиси ва фанларни ўрганиш объекти ва предметларига қараб таснифлаган файласуф Аристотель “Жон ҳақидаги” асарида Фалес қарашларига танқидий фикр билдириб, -“Фалес жонни ҳаракатчан деган, демак у магнит темирни

ҳаракатга келтиради, темир ҳам жонга эга деган хулосага келган”¹. Фақагина Фалес гилозоистик қараш асосчиси эмас, теологик қарашларнинг ҳам асосчиси ҳисобланади.

Фалес худолар мавжудлигини эътироф этади-ю, лекин улар моддий оламнинг ишларига жуда кам аралашади, деб уқтиради. Маълумки, Фалес таълимотида, олам моддий ва абадийдир. Фалес мифологик дунёқарашни фалсафий дунёқарашга айлантириб, ижтимоий борлиқ ва эски қарашларга қарши чиқиб, замон руҳига жавоб берувчи фикрни илгари сурган². Антик давр натур фалсафа ва қадимги юнон қарама-қаршилик таълимотининг асосчиси Гераклитга даставвал ҳиссий билишни номукамал билим деб, ақлий билимни эса ҳиссий билимдан устун кўяди, ҳиссий билимни мутлақо рад этмаган ҳолда, тўлиқ билимни фақат тафаккур бера олади, тафаккурни билим фаолияти, яъни жони дағал бўлмаган истеъдодли кишилар билими, фаолияти, ҳақиқий бўлади дея таъкидлайди. Гераклит инсон тафаккури ва онгига таъриф берар экан: “Табиатан қуруқ онг энг оқил ва энг олийсидир ва аксинча, маст кишининг жони ва онги хўлдир”³ дея таъкидлайди. “Тафаккур буюк устунлик ва донишмандликнинг мазмуни, ҳақ гапириши ва табиат овозига қулоқ солиши, унга мувофиқ муносабатда бўлиши лозим”⁴ деб ёзган эди у 112-фрагментда. Пифогор ва пифогорчилар таълимотида асосан аниқ мантий-фалсафий сутруктуравий рақамлар қўйилиши ва улардаги гармоник уйғунликни очиб беришга ҳаракат қилинган инновацион портлаш ҳам дейиш мумкин. Оламнинг асосига сонларни қўядилар, лекин тўла маънода уни очиб бера олмайдилар. Том маънода математик тафаккур асосчиси ҳам ҳисобланади. Элей мактаби вакили сифатида Ксенофан ҳам Пифагор қарашларига қўшилган ҳолда динга ва мистикага қарши чиқади. Биринчилардан бўлиб диний мистик қарашларни ва худоларни инкор этиб, уларни инсон тафаккури маҳсули деб атаб, дастлабки атеистик қарашларни намоёндалари сифатида гавдаланади.

Фалсафа саҳнасига инновацион(янги) идеализмнинг асосчиси сифатида Платон чиқиб келади. Унинг таълимотида асосан, ғоялар устунлик феноменини ўтайди. У ўзининг “Давлат” асарининг 4-китобида билимнинг турлари ҳақида тушунчаларни тушунтиради. У билимларни ҳиссий ва ақлий қисмларга бўлади. Ҳиссий билим - куйи тур, ақлий билим эса юқори турдир. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида “тафаккур” ва “идрок”га бўлинади. Платоннинг фикрича, “тафаккур” биргина ақлнинг фаолиятидир. У ҳиссий қоришмадан ҳолидир. У бевосита ақлий объектларни ҳис этади. Бу фаолиятни кейинчалик Аристотель тафаккур ҳақидаги тафаккурдир дея атайди. Аристотель илм-фан оламида илк бор тафаккур, тафаккур қонуниятлари ва диалектиканинг асосчиси сифатида довуғ қозонган. Антик

¹ Каранг: В.Ф. Асмус. История античной философии. Москва., 1966 г. С.20.

² С.Иўлдошев, М.Усмонов, Р. Каримов. Қадимги ва ўрта асрлардаги европа фалсафаси. “Шарқ” нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2003, Б. 27

³ А.С.Маковельский. Досократика I, С.165.

⁴ А.С.Маковельский. Досократика I, С.165.

даврга нисбатан умумий хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир давр ўзининг таракқиёт даражасига эга бўлиб, мос равишда даврлар алмашинмайди. Даврларнинг алмашинуви билан инсон онги ҳам ўзгариб, алмашиб боради дейиш бу бироз ғализироқ тушунчаларни келтириб чиқариши табиий, чуқур тафаккурлаб қилинса буни тушуниб етиш қийин эмас. Аслида, инсон онги, тафаккури даврга қараб ўзгармайди, даврлар инсон онги ўзгариши билан ўз-ўзидан алмашинади. Бу эса инсон тафаккурининг инновацион фаолиятига боғлиқ. Шу йўсинда бир жадал бир секин ривожланиш феноменини ўзида мужассам этиб бораверади. Оддий нигоҳ ва тафаккур билан қаралганда буни англаб етиш озгина мушкул ҳисобланади. Буни англаб етиши учун инсон том маънода файласуфона тафаккур қилиши керак бўлади. Тарихий таракқиёт жараёнида бевосита тафаккурда юз берган ўзгаришларга қараб замон ҳам ўзгариб бораверади. Мисол учун: Антик даврда тафаккур инновацион хусусияти шундан иборатки, бу давр тафаккурида инновацион қарашлар сифатида, диний-мистик, апория, ворисийлик шакллари ривожланганлигини кўриш мумкин.

Антик даврда инсон тафаккурга таянган ақлга суяна бошлади. Илм-фан ва инновацион қарашлар ривожини асосан ҳисобланган Классик тафаккур тарзи шарқ ва ғарб ренессанс давридан бошлаб ўрта аср тафаккурига хос схоластик тафаккур тарзига мутлақо зид бўлган математик, физик, тиббиёт, физиология, табиатшунослик айниқса механика фани ва тушунчаларининг ривожланиши, инсон тафаккурида кескин бурилишга сабаб бўлди. Хусусан, лидер фанлар сифатида механика, астрономия, биология, табиатшуносликда инқилобий характерга эга бўлган илмий ғоялар, тадқиқотлар классик тафаккур тарзининг ғоявий-эвристик заминига айланди. Классик тафаккурнинг вужудга келишига ворисийлик тамойили асосида ўрта осие ренессанси мутафаккирларининг илмий ютуқлари, хусусан, Ал-Хоразмийнинг алгебраси, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Улуғбекнинг “Зижи жадиди кўрагоний” ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг асарлари Европа Ренессанси илмий тафаккур тарзининг шаклланишида эвристик замин бўлди. Фалсафада инсон фикр юритар экан, фикр-мулоҳазаларини фалсафий шакллантиради ва тасаввур этади. Мантиқ илмида эса, тушунча, ҳукм, хулоса каби тафаккур шакллари кетма кетлиги асосида формаллашиб боради. Психологик томондан психик операциялар кетма-кетлиги асосида талқин қилинса, диний томондан илоҳийликка йўғрилади. Инновацион қарашлар ҳар бири учун ўзгача услубни касб этади. Бироқ креатив тафаккурнинг қолипга сиғмас ўзига хос кўриниши борки, бу ақлдан тўлақонли фойдаланишнинг усулидир. Тафаккурни фалсафа, мантиқ, психология ёки дин бошқармайди, балки улар унга хизмат кўрсатади ва унинг серқирралашувига олиб келади. Инсон билимларни ўзлаштирар экан, тафаккурнинг изчил равишда ўзгаришига билвосита ёки бевосита ўзи ва бошқалар гувоҳ бўлиб боради.

Ибтидоий давр тафаккур тарзи – бу инсоннинг пайдо бўлган даврдан то меҳнат қуролини ясаб, уни амалиётда қўллаган одам Homo sapiens (ақлли инсон) шаклланишигача бўлган даврни олишимиз мумкин. Антик давр тафаккур тарзи – бу инсонларни тоифа ва гуруҳларга ажратган қадимги дунё давлатларнинг вужудга келиши ва V аср қулдорлик тузумининг емирилиши, ерга эгалик муносабатларининг ўзгаришигача бўлган даврни ўз ичига олади. Илоҳий-мистик билимларнинг тажриба ва исботга таянувчи билимларга ўтиш даври деса ҳам бўлади. Ибтидоий тафаккур одамлар қарашларининг энг содда кўринишлардан бўлиб, тасаввур ва қарашларга суяниб барча нарсаларнинг табиий ҳолича мавжудлигини эътироф этишган. Табиат ва унинг қонуниятлари олдида ожиз бўлиб оддий тарзда яшаган. Шунинг учун ҳам бирон бир ихтиро, оламшумул янгилик бўлмаган. Шунда ҳам уларда инновацияларнинг содда кўринишлари мураккабликни касб этиб борган. Табиий оловдан суъний оловнинг кашф этилиши, ғор ва унгурлар ўрнига, пахса ва лой уйларнинг қурилиши, тош ва суюқдан ясалган меҳнат қуролининг такомиллашувини мисол қилиб келтириш мумкин. Табиат инсонга нимани инъом этса, инсон шу билан қаноатланган. Шунинг учун ҳам одамларнинг энг қадимий машғулоти бўлган термачилик ва овчилик ўзлаштирувчи хўжалик деб аталган⁵.

Тафаккурнинг инновацион янгиланишига психологик ва мантикий ёндашадиган бўлсак, тафаккур воқеликни акс эттиришнинг руҳий ҳолати, илмий фаолиятнинг юксак шакли сифатида қаралади. Инсон шунинг учун ҳам турли вазиятларда тўғри ёки нотўғри қарорлар қабул қилади. Тафаккурнинг бузилиши ва тўғри йўналиши ҳам кўп ҳолларда шунга боғлиқ. Шунинг учун ҳам психик жараёнлар бўлган сезги, диққат, идрок, тасаввурдан устун жараён тафаккурдир. Ҳар бир тафаккур жараёни кейинчалик хотирага олиниши мумкин.

Тафаккурнинг креативлиги муаммо қўйиш, уни шаклга солиш, анализ-синтез қилиш ва ечим топишнинг аниқ-формал дастурини фан тарихида қисман Пталомей ва кўп ўринда Коперник, Г.Галилей, И.Ньютон, Лобачевский, Жан Жак Руссо, Эйнштейнларнинг ўрни беқиёсдир. И.Ньютон ҳақли равишда шундай таъкидлайди, олимлар ўз ўтмишдошларининг елкаларида туради: улар ўз фаолияти билан олдинги ишга жило беришади, улар кўра олмаган томонларини кўра билладилар. Мисол учун: филдиракнинг кашф этилиши, от-араваларга, араваларнинг – машиналардаги ворисийлик асосида кўчиб боришига ўхшатиш мумкин. Санъаткорлар эса бу сафга сиғмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири – алоҳида дунё, алоҳида олам. Буюк санъаткор ўз даврининг буюк ифодачиси бўлиб, айти шу маънода унинг ижоди одамлар учун оламшумул аҳамият касб этади⁶. Юқорида таъкидлаганимиз каби турли инсоннинг тафаккури ва тафаккурлаши, фикри, онги ва қарашлари ҳар ҳил бўлади.

⁵ А.С. Сағдуллаев, В.А. Костецкий. Тарих қадимги дунё. – Тошкент “Янгийўл Полиграф Сервис”, 2017. Б.14

⁶ Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Тошкент: Ношир, 2011. – Б.26.

Янги замон фанлари классик эволюцион тафаккур тарзининг шаклланишига туртки бўлди. Галилей, Каперник, Кеплер ва Ньютонларнинг илмий фаолиятида классик тафаккурнинг инновацион унсурлари шаклланди. Бу босқич фақат Ньютон механикаси билан бошлангани йўқ. Бутун рационалистик фан ва XVII аср фалсафаси унинг негизи ҳисобланади. Эйнштейн асарлари билан танишар экансиз, Галилей, Декарт, Спиноза, Гоббс, Ньютон сатрларини беихтиёр эслайсиз баъзан ғояларнинг ажабтовур ўхшашлигига дуч келасиз. XVII аср рационалистик тафаккурининг номуайян фаразлари ва изланишлари қандай қилиб ижодий, изчил шакл-шамойил касб этаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда тадрижий алоқа мавжудлиги шакл-шубҳасиздир⁷. Классик рационал тафаккур тарзи, биринчидан, бевосита эксперимент ва тажрибага асосланиши, иккинчидан, аниқ қонуниятга асосланиши, учинчидан, анализ, синтез ва таққослаш ва моделлаштириш каби тамойилларга асосланганлиги билан устунлик қилар эди. XIX асрнинг иккинчи чорагининг бошига келиб, оламнинг бевосита эмас, билвосита механистик тафаккур тарзида ифода этиши классик тафаккур тарзининг ноклассик тафаккур тарзига ўрин бўшатиб беришига сабаб бўлди. Глобаллашув жараёнининг ҳам тезлашишига замин яратиб берди. Глобаллашув жараёнининг вужудга келишини жамият ҳаётининг интеграллашуви ёки ниҳоятда тезлашуви билан изоҳлаш мумкин. Глобаллашув натижасида, бугунги кунга келиб дунё ҳаёт суратлари шиддат билан ўзгариб бормоқда, бу эса ўз навбатида инсон глобал жараёнларга эмас, глобал жараёнларнинг инсонга ўз таъсирини ўтказишга имконият яратиб бормоқда. Илм-фан ютуқларида инновацияларни кўллаш XIX асрнинг 30 йилларига келганда жадаллашуви ноклассик тафаккур тарзи ақлланишига замин яратди. XIX-XX асрларда микробиология, квант назарияси, квант механикасидан бошланиб, космоснинг забт этилиши билан ўзининг чўққисига кўтарилди. Ноклассик тафаккур тарзи ўзининг тафаккурнинг ривожланиш давлари ичида эвристик бурилиш ясаган десак муболаға бўлмайди.

⁷ Кузнецов Б.Г. Альберт Эйнштейн. Жизнь, смерть, бессмертие. –М.: 1980. Б. 414